

ПЕДАГОГИК НЕОНОЛОГИЯ АСОСИДА ТАЛАБА ҚИЗЛАР ИЖТИМОЙ ФАОЛЛИГИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ОМИЛЛАРИ

Зияева Махбуба Фазлидиновна

катта ўқитувчи, Жиззах давлат политехника институти

Аннотация: Ушбу мақолада педагогик неология асосида талаба-қизлар ижтимоий фаоллигини ривожлантириш учун зарур бўлган муҳит ва омиллар хусусида сўз юритилган.

Калим сўзлар: неология, ижтимоий фаоллик, ахлоқий ўзлик, омил.

IMPROVING THE SOCIAL ACTIVITY OF STUDENT GIRLS ON THE BASIS OF PEDAGOGICAL NEONOLOGY

Ziyaeva Makhbuba Fazlidinovna

Senior Lecturer, Jizzakh Polytechnic Institute

Abstract: This article talks about the environment and factors necessary for the development of social activity of female students on the basis of pedagogical neonology.

Key words: neonology, social activism, moral identity, factor.

Ижтимоий фаоллик шахс фаолиятининг муҳим томонларидан биридир. У шахсининг жамият ва жамоа ишларидаги иштирокида намоён бўлади; маълум даражада сиёсий ва ахлоқий ўзликни англашга асосланади.[1] Шундан келиб чиқиб, кузатишларимиз ва тажрибаларимизга асосланиб, бугунги кунда Олий таълим тизимида талабалар ижтимоий фаоллигини такомиллаштириш жараёнини самарали ташкил этишда бир қатор камчиликлар мавжудлиги эътироф этиб ўтиш лозим.

-ижтимоий фаолият жараёнида талабаларнинг бўш вақтларини мазмунли ва унумли сарфлаш режали амалга оширилмаётганлиги;

-модернизациялаштирилган таълим-тарбия жараёнида талабаларнинг ижтимоий жараёнларда ташаббус билан чиқиши, илмий-методик, ўқув жараёнларида замонавий педагогик ва ахборот технологиялардан фойдаланиш маданиятини таркиб топтиришга хизмат қиладиган билим, кўникма ва малакаларни мунтазам янгилаш тизимини мазмунан бойитиш лозимлиги;

-талаба ёшларни “ўз” ижтимоий тажрибасини орттириши, талабаларда маъсулият ҳиссини тарбиялаш ва ўз -ўзини фаол қарор топтириши учун шахсга йўналтирилган педагогик жараённи неологик технологиялар билан бойитиш, кенг кўламли ва узоқ муддатли мақсадларни амалга ошириш стратегияларини қўллаш талаб этилади.

Ижтимоий фаолликнинг масъулият ҳиссига боғлиқ йўналишларидан яна бири шахсда шаклландиган мақсад ва идеаллардир. Мазкур мақсад ва идеаллар орқали талабалар ўз истак ва интилишларидан келиб чиқиб келажакларини прогноз қилиши, эртанги куни харитасини туза олиши, узоқ, яқинга мўлжалланган “режа”ларни амалга оширишга тайёрлик кўришини прогнозлаштириш малакасига эга бўлиши таълимнинг барча даражалари ва бўғинларида маълум маънода методологик асос вазифасини ўтайди. Методологик асос эса - муайян назария ва таълимотларнинг етарлича илмий асосланиши, шахс фаолиятини тўғри уютириш учун асос (негиз) бўлиб хизмат қиладиган муҳим, етакчи ғоялардир.[2]

Педагогик неология асосида талабалар ижтимоий фаоллигини ривожлантириш учун зарур бўлган прогнозлаштириш, лойиҳалаштириш ва моделлаштириш ишлари доимий, изчил, узлуксиз, аниқ тизимли бўлиб, унда тартибсизлик, узилишлар ва қўнимсизликларга йўл қўйиб бўлмайди. Ижтимоий муҳитда, таълим жараёнида қанча ўзгариш юз берса-да, ўзини сақлаб қоладиган, барча ўзгаришлар таркибида иштирок этадиган элементларига доимий компонентлар дейилади. Шундай компонентлар сирасига талабалар ижтимоий фаоллигини такомиллаштиришда муҳим ўрин тутадиган педагог ва тьютор фаолиятининг дидактик тузилмаси ётади.

Мазкур тузилма контекстида педагог ва тьютор, ўқитувчи ва талаба ўртасидаги ўзаро муносабатлар ётади. Дидактик мақсадларга кўра, янгилиниб, турлиниб турадиган “ўзгаришлар”, мақсад доимо ўзининг ангадланлиги ва шахс реал имкониятларига боғлиқлиги билан характерланади.[4]

У. Мақсудовнинг интернет мақоласида “...Ўзбекистон тажрибаси шуни кўрсатадики, биринчидан, инсон шахсининг ижтимоий фаоллиги, энг аввало, жамоада, маълум фаолият турларида шаклланади. Иккинчидан, талабалик даври ижтимоий фаоллик ҳамда турли ахлоқ нормаларини намоён қилиш учун кенг имкониятлар даври бўлгани сабабли, ёшлар орасида устувор фаолият ҳисобланган таълим жараёни муҳим омил ҳисобланади. Учинчидан, ижтимоий тасаввурлар ижтимоий борлиқ мазмунини индивидуал борлиқ билан боғловчи кўприк вазифасини ўтайди.[1]

Педагогик неологика асосида талабалар ижтимоий фаоллигини такомиллаштиришнинг қуйидаги таркибий компонентларини ишлаб чиқиш муҳим ўрин тутаяди:

- педагогик неологика асосида талабалар ижтимоий фаоллигини такомиллаштиришга хизмат қиладиган, илмий асосланган индикаторларини ишлаб чиқиш;
- тадрижийлик ва узлуксизлик тамойилларига асосланган аждодларимиз меросидан оқилона фойдаланиш методикасини ишлаб чиқиш ва ҳаётга татбиқ этиш;
- узлуксиз тарбия тизимида миллий ва замонавий педагогиканинг илғор ютуқларидан самарали фойдаланиш;
- ўқитиш усулларини такомиллаштириш, таълим-тарбия жараёнига индивидуаллаштириш тамойилларини босқичма-босқич татбиқ этиш;
- талаба ёшларда ўқишга соғлом, кучли ва таъсирчан мотивацияни шакллантириш;
- педагогларнинг методик таъминотини яхшилаш; [3]

Бу ўринда алоҳида эътироф этиб ўтиш жоизки, “Рақамли технология”лар ривожланаётган техноген ривожланиш шароитида таълим-тарбия жараёнининг ижтимоий мазмун-моҳиятини тарихий, миллий ёндашувлар ва аждодлар тажрибалари билан такомиллаштириш муҳим педагогик аҳамият касб этади. Шунингдек, замонавий талабларни инобатга олган ҳолда таълим-тарбияга миллий ҳамда умуминсоний, инсонпарварлик тамойилларига таяниб, [5] талабаларнинг мақсадлари, қизиқишлари ва интилишларини жамият манфаатларига мослаштира олиш ҳам алоҳида аҳамиятга эга.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Зияева М.Ф. "Интегратив ҳамкорлик" асосида талабалр ижтимоий фаоллигини такомиллаштириш йуллари. "Мугаллим хем узликсиз билимлиндируе" илмий-методик журнал. 2022 йил №6/1-1
2. Зияева М.Ф. Олий таълим тизимида педагогик неология асосида талабалар ижтимоий фаоллигини такомиллаштиришнинг педагогик мазмуни . Таълим ва инновацион тадқиқотлар. 2022 йил №7 164-169
3. Зияева М.Ф. Педагогик неология таълим тизимининг урни. "Мугаллим хем узликсиз билимлиндируе" илмий-методик журнал. 2022 йил №5
4. Зияева М.Ф. Шахс маънавий камолотида тилшуносликнинг урни. Science and world.2021
5. Зияева М.Ф. Improving the social activity of students on the basis of pedagogical neology is a socio-pedagogica. 2022
6. Абдувахобова Д. Поведение человека в трудных ситуациях. Актуальные вопросы современной психологии. 17-20. 2017
7. Абдувахобова Д. Особенности периода взросления подростка. Молодой ученый 2016 - 999-1002 стр.
8. Абдувахобова Д. Взаимоотношения подростка со сверстниками: умеет ли он дружить? Innovations in technology and Science Education. 1(1),70-79, 2022.

9. Абдувахобова Д., Эргашев У. Формирование умений и навыков в учебной работе. Молодой учёный.762-769.2014.

10. Абдувахобова Д.Э. Познавательные мотивы подростка в процессе обучения. Молодой учёный. 2015-7.-614